O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 25-IYUN, SESHANBA, 77 (8158)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

## <u>ҚАДР-ҚИММАЯГИМ, ЯГАЯНЧИМ ВА ИФЯГИХОРИМСАН, МУСЯГАҚИЛ ҰЗБЕКИСЯГОН!</u>



Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Жиззах вилоятида махалла ёшларининг тарбияси, уларни 12 йиллик мажбурий таълим жараёнига камраб олиш хамда қизларни оилавий хаётга тайёрлаш ва ёш оилалар бузилишининг олдини олишда хамкорлик тизимини яратишга багишланган йигилиш ўтказилди.

**⊳** Наманганда вилоят хокимлиги ва прокуратураси ташаббуси билан 9синф ўкувчиларини таълимнинг кейинги боскичига қамраб олиш, касбхунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида хукукбузарлик ва эрта никохнинг олдини олиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

▶ "Соғлом авлод учун халқаро хайрия жамғармасининг Бухоро, Жиззах Қашқадарё, Наманган Сурхондарё вилоятларида фаолият юритаётган тиббий-ижтимоий патронаж бригадаларига махсус автомашиналар топширилди.

Эроннинг Мозандарон шахрида 18 ёшгача бўлган ўгил-қизлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатида тезкор шахмат – рапид бўйича 6 ёшгача шахматчилар ўртасида хамюртимиз Исломбек Синдоров барча партияда ғалаба қозониб, Осиё чемпиони бўлди. Қизлар ўртасидаги ушбу турнирда Шахжамоамиз хисобига бронза медаль кўшди.



Китоб туманидаги «Элдорбек, Аброржон Луқмонович» фермер хўжалиги аъзолари мамлакатимиз истиклолининг 22 йиллиги нишонланадиган йилда 30 гектар майдондан 70 центнердан ғалла хирмони яратдилар.

сиба Нурова ишчан, ҳар ҳарич ер- Кўзда тутилган 125,4 тонна ўрнига нинг қадрига етадиган қишлоқ давлатга 160 тоннадан ортиқ сара мулкдорларидан. У туманнинг Макрид дашти худудидан 30 гектар майдонга буғдойнинг "Ясовул" на-

Фермер хўжалиги рахбари На- вини экиб, мўл хосил етиштирди. дон топширилди.

– Мўл хосил етиштиришда нав танлаш катта ахамиятга эга экан, -

дейди фермер хўжалиги рахбари Насиба Нурова. - Бугдойнинг "Ясовул" янги нави касалликка, шамолга чидамли бўлиб, тезпишар хисобланади. Ўрим-йиғимда ҳам ҳеч қандай муаммо сезилмайди. Ишни тизим асосида ташкил этиш туфайли хосил тез ва соз, қисқа муддатда саранжомланди. Бу борада комбайн операторлари Содиқ Рахимов, Жамшид ва Рауф Рахимовларнинг хиссаси катта бўлди. Тўртта "КамАЗ" русумли автомашиналар кучи билан ҳосил қабул масканига ўз вақтида етказиб берилди. Саид бобо

Тошев, Неъмат Худойкулов, Рашид Қаюмов, Бахтиёр Тошевлар бошлиқ звеноларимизда хосилдорлик 75-80 центнерни ташкил этди.

Дарвоке, тумандаги Қайнарбулок қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Нурбек Искандарович", "Озодбек Фозилжонович", "Иқтидор" фермер хўжаликларида ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Уларда ялпи хосилдорлик гектарига 60-65 центнерга тўгри келди.

> Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Мустақиллик — энг улуғ, энг азиз неъмат. Бугунги ютуқларимиз, юксак марралар, озодлик, ободлик буларнинг барчаси истиклол шарофатидандир.

## МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ ОШМОКДА

Шу боис, хар йили халкимиз мустакиллик байрамини ўзгача тантана ва шукух билан қарши олиб, шу ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимизни сархисоб қилади. Шу маънода, Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини кенг микёсда нишонлаш мухим ижтимоий-сиёсий воқеага, қутлуғ анъанага айланди. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 12 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўгрисида"ги Қарорининг мазмун-мохияти ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилган.

Унда белгиланганидек, бу йилги байрам "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустакил Ўзбекистон!" деган шиорни асосий гоя сифатида ўзида мужассам этган. Ушбу шиор гоят таъсирчан бўлиб, у бахтиёрлик, шукроналик ва озодликни ёрқин ифода этмоқда.

Республика Маънавият таргибот маркази томонидан миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжумани ана шу мавзуга бағишланди.

- Президентимизнинг Қарорини ўқиб, ўзимизга Истиқлолимизнинг олмос қирраларини акс эттирадиган тарғибот-ташвикот мавзуларини белгилаб олдик, - дейди Республика Маънавият тарғибот маркази рахбари Ғулом Мирзаев. - Ана шу мавзулар бўйича тарғиботчилар учун қўлланмалар тайёрлашга киришдик. Марказнинг алохида дастурини тайёрлаяпмиз. Хамкор ташкилотлар билан қўшма дастурлар тузиш бўйича иш олиб боряпмиз.

Мустақиллик байрами тарғибот-ташвиқотини уч поғонали, яъни республика, вилоят ва туман (шахар)лар боскичида олиб борамиз. Шу йўналишларда тарғибот гурухлари шакллантирилмокла.

Мақсадимиз битта — қайси касб эгаси, қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, хар бир юртдошимиз ўтган даврда Ватанимиз қўлга киритган ютуклар, эришган марраларда менинг ҳам муносиб меҳнатим, муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб, магрурланиб гапирсин. Шу ўринда, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мохиятини, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ёш авлод қалби ва онгига таъсирли усуллар орқали етказиш, юртимизга қаратилган ғоявий ва ахборот хуружларига нисбатан ахолини хушёрлик ва огохликка даъват этиш борасидаги ишларни кучайтиришда ушбу қарорнині ролини таъкидлаш жоиз.

(Давоми 2-сахифада)

Жиззах Вилояти

Cupgapë Вилояти

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖОЙЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-ИКТИСОДИЙ СОХАЛАРДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОРИШИ, БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ МАКСАДИДА ЖИЗЗАХ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРИБ, ДЕХКОНЛАРНИНГ УЛКАН ЯРАТУВЧИЛИК ИШЛАРИГА ЮКСАК БАХО БЕРДИ. АЙНИКСА, ИСТИКЛОЛ КАЛДИРГОЧЛАРИ КИШЛОК МУЛКДОРЛАРИ – ФЕРМЕРЛАРНИНГ БУ БОРАДА ОЛИБ БОРАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМДАГИ ИШЛАРИ, ПАХТА ВА ГАЛЛА НАВЛАРИНИ ЯХШИЛАШ, ХОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ СОХАСИДАГИ САЪЙ-ХАРАКАТЛАРИ ЮКСАК ЭЪТИРОФГА ЛОЙИКДИР.

# КУНГЛИМИЗ ТОГДЕК КУТАРИЛДИ



Президентимиз ерни ўз эгаларига топшириш борасида катта ташаббус билан чиқиб, мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига йўл очиб бердилар. Мен хам 1995 йилда ширкат хўжалигидан 5 гектар ер олиб "Амир Темур" фермер хўжалигини ташкил этдим. Утган йиллар давомида экин майдонларини кенгайтириш баробарида ер унумдорлиги – балл-бонитетини ҳам тинмай ошириб бордик. Далиллар мисолида айтадиган бўлсам, 40-45 баллбонитетли экин майдонларимиз 70 балл-бонитетли унумдор майдонларга айланди. Ғалладан кейин экилган мош тупроқ донадорлигини яхшилаши билан бирга тупрокда гумус микдори кескин кўпайишини ҳам таъмин этди. Харакатларимиз натижасида 2008 йилда "Таня" нави экилган ғалла майдонларининг гектаридан 100 центнердан сара дон йигиштириб олдик. Утган йили "Андижон-2" нави

парвариш қилинган 41 гектар майдоннинг хар гектаридан 65 центнердан буғдой ўриб-йиғиб олдик. Хўжалигимизда "Навбахор-2" навини экиб, тажрибада уч йил синаб кўрдик. Шўрхокликка, сувсизликка чидамли бу нав Мирзачўл шароитида яхши синовдан ўтди. 41,2 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан сифатли хомашё йиғиштириб олдик. Пахтачиликдан олинган даромад 150 милллион сўмни ташкил этди. Пахта хомашёсидан тола чиқиши эса 42 фоиздан ошди. Битта кўсакдаги пахта вазни 6,5-7 граммга тўгри келди. Бу йил 50 гектар майдонда янги, истикболли навларни парваришлаяпмиз. Асосий майдонимизга "Навбахор-2" навини эккан бўлсак, маълум майдонларда истикболли "Ўнқўрғон", "Ан-130", "Гулистон" навлари илк бор тажрибада си-ниш ҳолати жуда яхши: ҳар тупда 6-7

тадан шона, 2-3 тадан гул, 3-4 тадан кўсак хосил қилдик. Айни вақтда ғўзани биринчи суғоришни тугалладик. Парваришни сусайтирмай, озиқлантириш, хашаротларга қарши курашишни изчил давом эттираяпмиз. Уруглик учун етиштирилган бугдойнинг гектаридан 70 ценнтнердан сара дон ўриб-йиғиб оламиз.

Давлатимиз рахбари Ислом Каримов Сирдарё вилоятига ташрифи чогида мен билан дилдан сухбатлашиб, оилам, келажакдаги эзгу ишларим билан жуда қизиқдилар. Хатто "Невара тўйларига айтинг, албатта, келаман" деб менинг, бутун оила аъзоларимнинг кўнгилларини тогдек кўтардилар. Бизга шундай катта имконият эшиклари очиб беришаётган мамлакатда, Юртбошимиз жон-диллари билан қўллабқувватлаб турган юртда ишламай, янгилик сари изланмай бўладими?! Бундай шароит қай юртда яратилган ўзи? Президентимизнинг Фермерлар кенгашларини ташкил этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш тўгрисидаги қарорларига жавобан 5 гектар майдонда интенсив бог, 0,5 гектар ерда балиқчилик ҳавзаси ташкил этдик. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги шарафига юкори хосил етиштириб, дон, пахта сотиш шартнома режаларини ошириб бажариб, улуғ байрамни ёруғ юз билан кутиб оламиз ва Президентимизнинг биз фермерларга билдирган ишончларини, албатта, оқлаймиз.

Неъмат РАХМАТУЛЛАЕВ, Сирдарё туманидаги "Амир Темур" кўп тармокли фермер хўжалиги рахбари, "Эл-юрт хурмати" ордени сохиби.

Инсон ҳаётида баъзан шундай қувончли воқеалар бўладики, улар бир умрга татийди. Ўша қувончли вокеалар шукухи билан яшаб, мехнат қилгинг, фидойилик кўрсатгинг келаверади. Мана, бир неча кундирки, хўжалигимиз аъзолари шу кайфият билан мехнат қилишяпти.

Қалбларимизда чексиз фахру ифтихор жўшмоқда. Хўжалигимизга Юртбошимиз ташриф буюрди! Давлатимиз рахбарининг пахтазор ва ғаллазорларимизга нигох югуртириб, секингина «Емон ишлашмабди», деб қўйган лаҳзаларни ҳеч қачон унутмасак керак. Бу ерда фермер ким? — деб сўради Президентимиз.

Секингина «Мен», дедим.

Баракалла, ғўзаларнинг ҳолати



Юртбошимизнинг мазкур сўзлари хўжалигимиз аъзоларини рухлантириб юборди

яхши! Ғаллачиликларинг қандай бўлаяпти?

– Жуда яхши, 42 гектар майдоннинг ҳар гектаридан бултурги 58 ўрнига 70 центнердан ҳосил кўтаряпмиз! дедим-у, негадир кўнглимдаги «Ташрифингиз шарафига 20 тонна ортиқча дон топширамиз», деган гапимни айта олмадим. Чунки дилимда чексиз ҳаяжон жўшар, хўжалигимизнинг барча аъзолари ҳам мен каби чексиз кувончда эди. Лекин эртаиндин тасарруфимизда қолган «оролча»мизнинг яна бир қисмини ўрибянчиб, ушбу тонналарни қабул масканига элтиб топширамиз. Давлатга топширган барча ғалламиз уруғликка қабул қилиниб, ғаллачиликнинг ўзидан 30 миллион сўм соф фойда олишимиз кутиляпти. Бунга 51,5 гектар пахта майдонимиздан давлатга сотадиган 160 тонна уруглик пахтамиздан олишимиз чўтланаётган 70 миллион

сўмни хам қўшсак, ялпи соф фойдамиз 100 миллион сўмдан ошади.

Пахтазоримизда ғўза парвариши ҳар қачонгидан қизғин ва уюшқоқлик билан бажариляпти. Экинимиз зараркунанда хашарот ва касалликлардан холи, бегона ўт хавф-хатарини аллакачон бартараф этиб бўлганмиз. Қатор ораларига комплекс ишлов бериш билан бирга, гектарига 250 килограммдан маъданли, 700-800 килограммдан махаллий ўгит бериб, бир марта обихаётга хам қондирганмиз. Шундай бўлса-да, хўжалигимиз ишчи ва механизаторлари туну кун далада. Деҳқонларда шундай ақида бор: ғўза эгалик эканини, эгалари ҳар кун-ҳар соат экин ҳолатидан огох бўлиб, пайкалини кузатиб турганини сезиши, хис этиши даркор, шундагина кунда бир яшнаб, эгалари ният қилган ҳосилни беради. Ғўза қуёш тафтидан қанчалик яшнаса, дехқон мехридан ҳам шунчалик барқ уради.

Жорий йилда 51,5 гектар майдонда ғўза ўстираяпмиз. Йил бошида ана шу майдонларимизнинг ҳар гектаридан бултурги 28 ўрнига 30 центнердан хосил етиштириш ва давлатга 155 тонна уруглик пахта етказиб бериш юзасидан шартнома тузган эдик. Юртбошимиз ташрифидан сўнг хўжалигимиз аъзолари ўзаро маслахатлашиб, бу кўрсаткични 33 центнерга етказишга ахд қилдик. Бунинг учун ҳали вақт ҳам, имкониятларимиз хам етарли. Айни пайтда хўжалигимиз механизаторлари қатор ораларини бешинчи марта юмашатишга киришиб, юмшатиш давомида гектарига 500 килограммдан махаллий ўгит киритаётган бўлишса, сувчиларимиз иккинчи сугоришни бошлаб юборишган. Пахтачиликда ҳам кўзлаган маррамизни забт этамиз.

Эркин КЕНЖАЕВ, Пахтакор туманидаги "Жавлонбек" фермер хўжалиги рахбари.

# МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ ОШМОКДА

(Боши 1-сахифада)

Албатта, халқимизнинг обод турмуши, Ватанимизнинг обод манзаралари нафақат моддий ютуқларга, балки маънавият сохасидаги ишларимизнинг самарадорлигига хам чамбарчас боғлиқ. Зотан, Юртбошимиз айтганларидек, "Маънавият хақида қанча даъватлар, мухим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки биз кўзлаган мақсадга эришолмаймиз". Чунки моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини тўлдиради. Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ўз ҳаётини айнан ана шундай узвий боғлиқлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижо-

**Узбекистон** мустақил

ахборот воситалари

ва ахборот агентлик-

қувватлаш ва ривож-

лантириш жамоат

фонди томонидан

Навоий ва Бухоро

вилоятлари босма

нафар журналистлар

иштирокида Респуб-

лари хамда турли

**х**афталик малака

ошириш лойихаси

амалга оширилмокда.

**MAXOPAT** 

ХАФТАЛИГИ

Фонд томонидан 2008

йилдан буён ўтказиб ке-

линаётган мазкур лойиха-

дан максад худудий жур-

налистлар малакасини

янада ошириш, марказий

нашрлар тажрибасини

ўрганиш ва ўзаро хамкор-

лик алоқаларини ўрна-

тишда уларга кўмакла-

шиш хамда шу орқали

vлар фаоллигини сези-

ларли даражада кучайти-

дий журналистлар "Фуқа-

ролик жамиятини ривож-

лантиришда ОАВ роли"

йўналишида ўтказилаёт-

ган навбатдаги лойиха

доирасида бир қатор дав-

ра сухбати ва семинар-

тренингларда, шунинг-

дек, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиси

Конунчилик палатаси де-

путатлари билан ҳамкор-

ликда ташкил этиладиган

тадбирларда иштирок

Омонбой

ТЎХТАМИРЗАЕВ

этишади.

Таклиф этилган худу-

ришдан иборат.

ташкилотларда

лика марказий нашр-

ОАВда фаолият

юритаётган 20

босма оммавий

ларини қўллаб-

бий натижаларга эришиш мумкин. Шу маънода Республика Маъна-

вият ва маърифат кенгашининг 2012 йил 30 ноябрида бўлиб ўтган мажлисида қабул қилинган "Республика ва худудий маънавият ва маърифат кенгашлари фаолияти самарадорлигини ошириш, миллий гоя таргиботи ва маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини таъминлашда давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодкор зиёлилар ролини кучайтириш чора-тадбирлари дастури" бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётир.

Ушбу дастур асосида Республика Маънавият таргибот маркази томонидан аниқ режалар ишлаб чиқилиб, жойларда маънавият ҳафталиклари ўтказилмокда. Хозиргача ўтказилган Ватан химоячилари куни муносабати билан "Ватан химоясига хар биримиз масъулмиз", Алишер Навоий

ва Захириддин Мухаммад Бобур таваллуд кунлари муносабати билан "Хар тенгдошга — бир ғазал" адабий мулоқотлар, ўқувчи ва талабалар ўртасида Ватан мадхини тараннум этувчи расмлар чизиш, деворий газеталар чиқариш, фотосуратлар ва бошқа кўргазмали воситалар яратиш юзасидан мусобақалар, Наврўзга бағишланган "Наврўз — боқий қадрият", Сохибкирон Амир Темур таваллуд куни муносабати билан "Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз", 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган "Инсон қадри — боқий, xoтираси — муқаддас", Халқаро болаларни химоя қилиш кунига бағишланган "Болалар — бизнинг келажагимиз" мавзуидаги маънавият ҳафталиклари шулар жумласидандир.

"Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан санъаткорларнинг юртимиз бўйлаб гас-

троль сафарлари ўтказилмокда Сўнгги пайтда кино, театр ва музейларга томошабинлар қатнови анча ортди. Ёшлар онгида бузғунчи гояларга нисбатан мустахкам мафкуравий иммунитетни шакллантирадиган сара сахна асарлари ижодкорларини муносиб рағбатлантириш мақсадида "Йилнинг энг яхши театр асари" танлови таъсис этилди.

Шунингдек, марказнинг худудий бўлимлари томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олимлар, ижодкорлар иштирокида учрашув, суҳбат, маъруза, савол-жавоблар ўтказилмокда.

Анжуман доирасида "Маънавият" нашриёти томонидан нашр қилинган ижтимоий-сиёсий, маънавиймаърифий мавзулардаги китоблар кўргазмаси ташкил килинди.

> Сохиба СОЛИЕВА, "Qishloq hayoti" мухбири.

Миллий матбуот марказида Давлат активларини бошқариш тизимидаги ислохотлар: Давлат активларини бошқариш маркази, унинг асосий фаолият йўналишлари ва вазифалари мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қумитаси масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

## ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОКДА

ЯНГИ МАРКАЗ ИКТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ КИЛАДИ

Бугунги кунда иқтисодиётда давлат иштироки улушини камайтириш, хусусий мулкчиликнинг ўрни ва ахамиятини янада яхшилаш, хақиқий рақобат мухитини шакллантириш, яъни корхоналарда ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг ракобатбардошлигини ошириш мухим масалалардан эканлиги ҳақида соҳа мутахас-

сислари сўз юритишди. Шу боис, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган мазкур жараёнларни янада фаоллаштириш ва бу борадаги саъй-харакатларни бирлаштириш, тегишли чора-тадбирларни амалга оширувчи давлат институтларини янада мустахкамлаш мухим ахамият касб этади.

Президентимизнинг 2012 йил 13 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўгрисида"ги Фармонига биноан, Давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хусусий мулкчилик кўламини кенгайтириш хамда реал рақобатчилик мухитини шакллантириш, фонд бозори, хусусан, иккиламчи фонд бозорини жадал ривожлантириш, корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш каби вазифалар белгилаб олинди. Бугунги кунда Республи-

ка фонд бозори, хусусан, иккиламчи фонд бозорини жадал ривожлантириш, корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 11 июндаги қарори билан Давлат активларини бошқариш маркази ташкил этилди. Ушбу марказни ташкил этишдан асосий мақсад, давлат активларини самарали бошқариш, яъни ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инвестициялар жалб қилган қолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг янги турларини ўзлаштиришни таъминлашдан ибо-

Мазкур марказнинг вазифаларига акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик жамиятлари акцияларининг бошқарувчи компаниялар хамда хўжалик бирлашмаларига ишончли бошқарувга бериш йўли билан акциядор (қатнашчи)нинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, устав фондида давлат улуши бўлган акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш кабилар киради.

Шунингдек, мамлакатимизда ва хорижда жойлашган хўжалик жамиятлари бошқарув органларида унга эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш хукуки берилган давлат акция пакетлари бўйича давлат манфаатларини химоя қилувчи акциядор сифатида иштирок этади.

Бундан ташқари, давлат активларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш йўли билан хусусийлаштириш жараёнига кўмаклашиш, устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарининг бизнес-режаларини ишлаб чиқишда кўмаклашади.

Матбуот анжумани якунида Қўмита мутахассислари журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Озод ОЧИЛОВ

# АРМИЯМИЗ САФИГА МАЛАКАЛИ ОФИЦЕРЛАР ҚЎШИЛДИ

Президентимиз рахнамолигида замонавий ва салохиятли миллий армияни шакллантириш, унинг моддийтехника базасини давр талаби асосида мустахкамлаш, шахсий таркибнинг жанговар, интеллектуал тайёргарлигини юксалтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмлар, мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун юқори малакали офицерлар тайёрловчи республикамизнинг нуфузли олий харбий таълим муассасалари фаолиятида хам кўриш мумкин.

22 июнь куни Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-мухандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети ва Самарқанд олий харбий автомобиль қўмондонлик-мухандислик билим юртида навбатдаги битирувчиларига диплом ва офицерлик унвонлари топширилди

Давлатимиз рахбарининг 2005 йил 19 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини іиллаштиришга оид қушимча чоратадбирлар тўгрисида»ги фармойиши



мамлакатимизда замонавий билим ва юқори тайёргарликка эга малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашда мухим дастуриламал бўлмокда. Ушбу хужжатга асосан Қуролли Кучларимизда офицер кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, олий ҳарбий билим юртларида курсантларнинг билим олиши, жанговар машгулотларни юқори савияда ўташи учун зарур шароит яратиш, ҳарбий касбнинг нуфузини янада ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Олий харбий таълим муассасаларида ўкув-тарбиявий жараёнлар янги ўкув-



симуляция ва бошка замонавий усуллари, илгор педагогик ва ахборот технологиялари кенг жорий этилмокда.

Қуролли Кучларда олиб борилаётган изчил ислохотлар самараси нафақат сархадларимиз дахлсизлигини таъминловчи миллий аримиямизнинг шаклланганида, балки ёшларимиз ўртасида харбийликка қизиқувчиларнинг кўплигида хам намоён бўлиб, бу улар орасидан харбий хизматга энг муносибларини саралаб олиш имконини бермокда.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топши ришга бағишланган тантанали тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди. Сўзга чиккан жамоатчилик вакиллари, ота-оналар Президентимиз рахнамолигида харбий хизматчиларни ижтимоий мухофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганини таъкидлашди. Битирувчилар эса ҳарбий билим юртида эгаллаган билим ва малакага таянган холда, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини, сархадларимиз дахлсизлигини асраш йўлида садокат билан хизмат қилишга ваъда беришди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

СУРАТЛАРДА: Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети битирувчилари.

Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУХОФАЗАДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан интеллектуал мулк тизимини ривожлантириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда миллий интеллектуал мулк тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги алохида таъкидлаб ўтилди. Бу борада Президентимизнинг 2011 йил 24 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўгрисида"ги қарори интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоялашни таъминлашга хамда инновацион технологиялар, илмий-техника ишланмалари мамлакатимиз иқтисодиёти соҳаларига кенг жорий этишни рағбатлантиришга йўналтирилган.

Ушбу хужжатда интеллектуал мулкни хуқуқий мухофазалаш билан боғлиқ масалалар билан биргаликда интеллектуал мулкнинг ташкилий тизимидаги ўзгартиришга

Ўзбекистон Республикасининг "Интеллектуал мулк тўгрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида"ги Қонунга мувофиқ "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўгрисида"ги, "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чикқан жой номлари тўгрисида"ги, "Селекция ютуклари тўгрисида"ги, "Интеграл микросхемалар топологияларини хукукий мухофаза қилиш тўгрисида"ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Солиқ кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар ки-

Мамлакатимиз худудида интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза тақдим этиш бўйича ваколатли давлат органи сифатида Агентлик ташкил этилганидан буён интеллектуал мулк объектларига 15 минг 494 та, шу жумладан, ихтироларга 1290

та, фойдали моделларга 354 та, саноат намуналарига 384 та, товар белгиларига 1272 та, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига 727 та, селекция ютуқларига 24 та, товар келиб чиққан жой номларига 3 та талабномалар қабул қилинди.

Интеллектуал мулк объектлари Давлат реестрида 5435 та интеллектуал мулк объекти рўйхатдан ўтказилди.

Республикамиз худудига контрафакт товарларнинг ноқонуний кириб келиши ва айланмасини ҳамда интеллектуал мулк объектларилан ноконуний фойлаланишнинг олдини олиш борасида барча худудларнинг мониторинги ўтказилди. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра 1 та жиноий, 88 та маъмурий жавобгарлик тўгрисида иш қўзғатилиб, 12,3 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар йўқ қилинди

Қизиқарли ихтиролар тўгрисидаги маълумотларни нашр қилиш улардан фаол фойдаланишга, саноат мулки объектлари бозорининг ривожланишига, инновацион сохага инвестицияларни жалб қилишга ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган махсулотларнинг рақобатбардошлилигини оши-

ришда қўл келмоқда. Агентлик халкаро ташкилотлар ва чет эл патент идоралари билан ўзаро алоқаларни мустахкамлашга хам эътиборни қаратган.

Интеллектуал мулк сохасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида агентлик қошида ўқув маркази ташкил этилган. Ўқув марказида 150 нафар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари мутахассислари, бизнес ва тадбиркорлик вакиллари интеллектуал мулкни химояси ва хукукий мухофазаси борасида малака-

> Ахмаджон РИХСИБОЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Гиёхвандлик — энг оғир ва аянчли оқибатларни келтириб чиқарувчи мудхиш иллат. У инсонни нафақат жисмоний жихатдан емириб, соғлиғидан айиради, умрини хазон этади, балки маънавий-рухий томондан ўта тушкун холатга солиб, ўзлигидан узоклаштиради, таназзулга етаклайди. Хаётга юзаки қараш, оддий хавас, қизиқиш ёки иродасизлик оқибатида гиёхвандлик кўчасига кириш қанчалик осон бўлса, надомату пушаймонлик хисси, соғайиш ва курашувчанлик истаги нечоғлик улкан бўлмасин, бу балодан қутулиш бенихоя оғир кечади. Аксарият қолларда унинг охири ўлим билан якунланади.

Гиёхванд моддаларни сурункали истеъмол қилиш натижасида унга нисбатан мойиллик секин-аста ортиб боради. Борабора бу жараён киши организмида уч босқичдан иборат ривожланиш даврини босиб ўтиб, ўзининг тўлиқ хукмронлигини

Биринчи босқич — гиёхванд моддага рухий мойиллик пайдо бўлиши, химоя жараёнларининг йўқолиши, гиёхванд моддаларга чидамлиликнинг ошиши, уларнинг физиологик таъсири сақланган қолда мунтазам қабул

қилиниши билан ифодаланади. Иккинчи босқич — гиёҳванд моддага жисмоний мойиллик пайдо бўлиши, унга енгиб бўлмас даражада хирс қўйиш, чидамлиликнинг юқори даражага етиши, қўзғалувчанликка олиб келувчи таъсирнинг кучайиши, рухий ўзгаришларнинг пайдо бўлиши билан кузатилади. Учинчи босқичда эса гиёхванд моддаларга чидамлиликнинг пасайиши, улар таъсирининг фақат "тетиклаштириш" даражасига етиши, натижада беморларда гиёхванд моддаларсиз "яшай олмаслик" хусусиятларининг пайдо бўлиши кузатилади. Бундан ташқари, хумор синдроми, яъни ломка огирлашиб, чўзилиб бориши, охироқибат мазкур жараён оғир рухий ва ижтимоий оқибатлар келтириб чиқариши билан ифода-

Кенг тарқалған гиёхванд моддалардан бири героин бўлиб, у хидлаш, чекиш ва томир орқали организмга юбориш йўллари билан қабул қилинади. Героинни бир маротаба қабул қилган кишида кайфият кўтарилиб, гўёки ўзини осмонда учиб юргандек ҳис қилади. Ўзгарувчан тасаввур ва тушсимон хомхаёлларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Ташқи таассуротнинг кучи сусаяди. Уни бир неча бор истеъмол қилиш таъсирида хумор холати юзага келади. Мазкур холатда эса тез-тез эснаш, йўтал пайдо бўлиши, кўз ёшланиши кузатилади. Организмда зўриқиш сезилиб, юрак уриши ва нафас олиш тезлашади. Титроқ пайдо бўлиб, бадан увишади. Кўз қорачиғи кенгайиб, оёқ-қўл мушакларининг тортишиши, ич сурилиши кузатилади. Бутун танада гиёхванд моддага чексиз мойиллик сезилади.

АСР БАЛОСИ, УМР З

Гиёхванд моддани истеъмол қилиш оқибатида гиёхвандларда умумий қўполлашув нихоятда ортиб, тасаввур ва дунёкараш тораяди. Қўрслик, жаҳлдорлик холатлари билан кечадиган чуқур руҳий ўзгаришлар ривожланади. Чидаб бўлмас огрикдан, дахшатли депрессия холатидан ва гиёхванд моддага хумор тутиб қолишидан қўрқишади. Бундан ташқари, гиёҳванднинг ташқи кўринишида ҳам салбий ўзгаришлар кўзга ташланади. Териси нихоятда қуриб, қорайиб, ерсимон тусга киради, тана вазни камаяди. Ички аъзолар фаолияти ҳам бузилади.

Хуморни босиш, қўрқув ва огрикни йўкотишнинг ягона йўли — яна гиёхванд модда қабул қилиш бўлиб, дахшатлиси, гиёхвандлар бу йўлда хеч қандай разилликдан, қабоҳат ва ваҳшийликдан тап тортмайдилар. Ачинарлиси эса ушбу хатти-ҳаракатлари билан ўз умрини хазон қилиб, ўзига ўзи чох қазиётганлигини тушуниб етмайдилар. Тушунган такдирда ҳам бу иллатдан воз кечишга иродасизлик

26 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО ГИЁХВАНДЛИК МОДДАЛАРИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ВА УНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

киладилар Гиёхвандлик оқибатида ОИТС ва бошқа қон орқали юқадиган ўта хавфли касалликлар юқиши, иммунитетнинг пасайиши, юракқон томир, бош мия, асаб тизими, ўпка шиши касалликларининг пайдо бўлиши, жинсий ва ақлий фаолиятнинг пасайиши юзага келади. Кучли рухий босим таъсирида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Тана вазнининг тез тушиб кетиши, холсизлик, чарчаш аломатлари сезилади. Натижада гиёхвандлик билан хаёт кечириш 7-10 йилдан ошмайди.

Гиёхвандлар ўз рухиятининг бузилиши натижасида аксарият холларда жиноят содир этишга мойил бўлишади, ҳаётлари тубдан ўзгариб кетади. Ўқиш ва ишни ташлаб, оиладан ажралади, яқин



шади. Ўз такдирига, яъни келажагига бефарқ бўлиб қолишади. Гиёҳвандлик касалини даволаш осон кечмайди. У жуда оғир ва узоқ вақт давом этадиган жараённи ўз ичига олади. Гиёхвандларни даволашда, аввало, беморнинг астойдил хохиши борлиги, ўзига имкон қадар ишона олиши

мухим ахамият касб этади. Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда гиёхвандликка қарши курашиш, гиёҳванд моддалар ноқонуний айланишининг олдини олиш, унинг зарар ва оқибатларини йўқотиш борасида изчил

ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг наркотик моддалар ва психотроп воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш халқаро Конвенциясига қўшилганлиги, шунингдек, 1999 йил 19 августда "Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганлиги мазкур муаммога ўта жиддий масала сифатида қаралаётганлигидан дарак беради.

Жўрабек ТОИРОВ, Республика Наркология маркази бўлим бошлиғи.

2013 йил 25 июнь

Эълонлар

Мустақилликка эришганимиздан буён юрти-

мизда банкларнинг кенг қамровли фаолият юритиши учун катта имкониятлар яратилмоқда. Бугунга келиб, банклар бақувват молия ташкилотлари сифатида тан олинди. Аввало, банклар фаолиятини кенгайтириш ва уларга солиқ имтиёзлар берилиши натижасида юртимизда уларнинг сони ошди. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишида уларнинг улуши хам тобора ошиб бормокда.

гача яна қўшимча 28 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Ишчиларимизнинг асосини ёшлар ташкил этади. Юқоричирчиқ туманидаги касб-хунар колежлари билан хамкорликда коллеж битирувчиларининг ишли бўлишига харакат қиляпмиз. — Фаолиятимизни кен-

гайтириш мақсадида «Капи-

тадбиркорлик ва хунармандчилик лойихалари ва бошлангич сармояларини шакл-

бизнес лойихаларини мо-

лиялаштириш бўйича молия ташкилотлари олдига аник вазифалар юклатилган. «Капиталбанк» ҳам коллеж битирувчиларининг оилавий лантиришга жами - 2,15 миллиард сўм миқдорида

# PT OBOLININ ÄŸINLA KAMAP5ACTA

Президентимиз томонидан яратилаётган кенг кўламли имкониятлар самараси ўлароқ, юртимизда жадал суръатда амалга оширилаётган ўзгаришларда банклар фаол иштирок этиб келмоқдалар. Айникса, ахолини иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган ишлаб чикариш ва кайта ишлаш корхоналарининг бир меъёрда фаолият олиб боришида банк кредитлари мухим омил бўлиб хизмат қилаётир. Чунончи, хусусий сектор вакиллари ҳам ўз фаолиятларини кенгайтириш, зарур техникаларни олишда банк кредитларидан фойдаланишмокда.

«Капиталбанк» ОАТБ корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ишончини козониб, уларга замонавий хизматларини таклиф этиб келаётган молия муассасасидан биридир. Банк мамлакатимизда банклар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб мижозлар ўртасида обрў эътибор қозонишга эришди. Эндиликда унинг хизматларидан барча шаклдаги ташкилот ва корхоналар фойдаланишади. Банк имкон қадар уларга тез ва сифатли хизмат кўрсатишга харакат қилаётгани кўпчиликка манзур бўлаётир.

Банк ўз фаолияти давомида турли сохаларни кредитлаш бўйича катта тажрибага эга бўлди. Президентимиз ва хукуматимиз томонидан банк муассасалари олдига қўйилаётган талабларнинг бажарилиши қаттиқ назоратга олингани ишлар хажмининг тез ва сифатли амалга ошишига замин яратяпти.

Президентимиз томонидан 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб номлангани, банклар олдига мухим вазифаларни белгилаб берди. «Обод турмуш йили» Давлат рижга экспорт килиш максадастурида белгиланганидек,

банклар халкимизнинг турмуш даражасини янада ошишида зарур молиявий ёрдам бериши шарт. Бу кўрсатмаларнинг ижроси сифатида «Капиталбанк» ОАТБ томонидан молиялаштирилаётган лойихалар сонининг янада ортиб бораётганлигини эътироф этиш мумкин. Биргина 2013 йилнинг ўтган беш ойи давомида кичик бизнес субъектларига турли мақсадлар учун умумий микдорда - 121,8 миллиард сўм кредит маблаглари ажратилди. Мамлакатимизда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллабқувватлаш орқали ишлаб чиқариш суръатлари ошиши билан бир қаторда ахолининг доимий иш билан бандлигини таъминланишига эришилаётгани кувонарлидир. Бу борада банк томонидан йил давомида хусусий сектор вакилларига 190 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманида хусусий тадбиркорлик билан бир неча йилдан буён шугулланиб келаётганлардан «Yukorichirchik Metall Invest» МЧЖ рахбари фикрлари буни

далиллайди. – «Капиталбанк» хизматларидан бир йилдан буён фойдаланаман. Банк ходимларининг юмушларимизни тез хал этиш борасидаги ҳаракатлари бизни қувонтиради. Корхонамизнинг бугунги даражасига етишида банк кредитларининг ўрни бекиёс. Электр жихозлари, турли хажмдаги электр симлари ва кабеллар ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз. Банкнинг кредит кўмаги билан ишлаб чиқариш учун зарур хомашё ва материаллар сотиб олинди. Хозирда бир кунда 5-6 турдаги махсулот ишлаб чиқараяпмиз. Ишлаб чикараётган махсулотларимизни хо-

димиз ҳам бор. Йил охири-

талбанк»дан кредит олишни жоиз деб билдик, - дейди Паркент туманидаги «ABDU-XAMID PLYUS» МЧЖ директори Достон Абдумаликов. — Кредитсиз хозирги мавкеимизга чиқолмасдик. Жамғарган сармоямиз ишни бошлаш учун жуда оз эди. Банкдан 10 050 000,0 сўм миқдорида кўмак олдик. Олинган кредит фоизларини ўз вактида тўлаб боряпмиз. Келгусида банк кўмагида худудимизда болалар кийимларини ишлаб чикариш лойихамизни татбик

этишни кўзлаяпмиз.

Бугунга келиб, юртимиз

ишбилармонлари орасида хотин-қизлар сони анчагина кўпайиб қолди. Зотан, бу масала давлатимиз сиёсатининг устувор вазифасига айланган. «Капиталбанк» ОАТБ хам тадбиркор аёлларнинг лойихаларини молиялаштиришга ҳамда уларни бандлигини таъминлашда фаол иштирок этаётганлигидан мамнун. Ушбу йилнинг 1 июнь холатида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 39,2 миллиард сўм сарфланди. Масалан, банкнинг Наманган вилояти филиали ҳам ишбилармон аёлларнинг фаолиятларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Яқиндагина филиалга хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатиш лойихаси билан кредит сўраб мурожаат қилган «Zulfiyabegim Med Servis» xyсусий корхонасига 70 000 000 миллион сўм маблаг ажратилди. Бу маблаг хисобидан корхона тиббиёт муассасасига зарур жихозлар келтириб корхона фаолиятини йўлга қўйди.

2013 йил давомида бу йўналишда ажратиладиган кредитлар миқдорини 36 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

Маълумки, мамлакатимиз рахбарияти томонидан коллеж битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш ва

Мазкур молия ташкилоти оркали инвестицион лойихаларни кредитлашга ҳам алохида эътибор қаратиб келинади. Бунинг эвазига ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларни асбоб-ускуналари, ишлаб чиқариш жиҳозлари ва бошка асосий воситалари техник-технологик жихатдан янгиланди. Замонавий техника билан таъминланган корхоналарда эса махсулотлар сифатини ортиши ва таннархнинг пасайишига эришилмокда. Шунингдек, янги иш ўринларини яратишга замин яратилаяпти. Ўтган 2012 йилда бу максадга жами 82,7 миллиард сўм микдорида кредит маблаглари ажратилган эли. Бунинг эвазига жойларда 1 200 дан ортик янги иш ўринлари ташкил этилган. Жорий йил якунига қадар инвестицион лойихаларга 91.0 миллиард сўмдан ортиқ маблағ берилиши режалаштирилган.

Банкда юридик шахсларга молиявий ёрдам беришдан ташқари, жисмоний шахсларни кредитлашга жиддий эътибор қаратилади. Жумладан, уларга турли хилдаги истеъмол кредитлари таклиф этиб келинаётир. Дам олиш (сайёхатга чикиш) учун, авиачипталар сотиб олиш, заргарлик буюмлари харид қилишга, мебель тўпламлари ва уй жихозлари, қурилиш материаллари ва маиший техника воситалари сотиб олишга кредитлар доимий ажратилиб борилиши йўлга қўйилган. Ушбу турдаги кредитларнинг аксарияти ёш оилаларнинг жамиятда ўз ўринларини топишлари ва мустахкам оила қуришлари учун асқотиши шубҳасиз. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга каратилган ипотека, истеъмол ва микрокредитлар берилиши 2012 йилга нисбатан 1,3 баробар зиёд ажратилиши режалаштирилган.

Банк ахборот хизмати

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАХБАРЛАРИ ДИККАТИГА!

#### І. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ХОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИН КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Якунлаш муддати - 2014 йил 30 ав-

1. Наманган вилояти Норин тумани Қўрғонтепа ҚФЙ Тегирмонбоши МФЙдаги имконияти чегараланган 220 ўқувчи ўринли 47-сонли мактаб-интернатни мукаммал қайта қуриш.

Объектнинг бошлангич нархи ККС билан 3 885 106 997 сўм, ҚҚСсиз 3 237

Буюртмачи: Наманган шахри А.Темур кўчаси 105-уйда жойлашган Наманган вилояти хокимлигининг ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси Тел.: (8-369) 226-22-60, 233-06-11.

Лойихани молиялаштириш: Таълим

ва тиббиёт муассасаларини реконструк ция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жихозлаш жамғармаси маблағлари хисоби-

дан амалга оширилади. Диккат! Танлов савдолари (тендерлар) ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзал-

ликка эга хисобланади

#### II. «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ОАТБ НАМАНГАН МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Наманган вилояти Янгикўргон тумани Нанай ҚФЙда "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Наманган минтақавий филиалининг **"Унгор" дам олиш масканини бино ва** иншоотини мукаммал қайта қуриш.

Объектнинг бошлангич нархи ККС билан 567 586 611 сўм, ҚҚСсиз 472 988 842 сўм.

Якунлаш муддати - 120 кун Буюртмачи: Наманган шахри Дўстлик шох кўчаси 19-уйда жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Наманган минтақавий филиали. Тел.: (8-369) 234-32-90, факс

Лойихани молиялаштириш: "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ ўз маблағи хисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган микдоридаги айланма маблагга ёки кўрсатиб ўтилган маблагни беришга, банк кафиллигига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотларга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Махаллий ва хориж курилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини бахолашда махаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари хисобга олинади.

Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун хужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларининг тендер таклифларини бахолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда хисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов хужжат-

